



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШАХСНИ КАСАЛЛИГИ САБАБЛИ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

Алибоев Бобур Ғанишерович

Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий
мактаби Жиноят ҳуқуқи ихтисослиги тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15287260>

ARTICLE INFO

Received: 18th April 2025

Accepted: 20th April 2025

Published: 26th April 2025

KEYWORDS

тиббий йўсиндаги
мажбурлов чоралари, суд-
психиатрия экспертизаси, ақли
норасолик ва руҳий касаллик.

ABSTRACT

Касаллик сабабли жавобгарликдан озод қилиш, шахснинг даволаниш натижасида тузалиши учун жиноий жавобгарликдан ва жазодан соғайгунига ёки бутунлай озод қилиниши. Шахсни жавобгарликдан озод қилишнинг ҳуқуқий асослари жиноят қонунчилиги билан

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида: “Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас”,- деб кўрсатилган. Ушбу норма билан Ватанимизда қонун устиворлиги, инсон шаъни ва қард-қиммати олий қадрият эканлиги қонунларда ҳам ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида ўз тасдиғини топиб келмоқда. Хусусан, шахснинг касаллиги сабабли жавобгарликдан озод қилинишида инсон ҳуқуқлари ва адолат принципларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, бу соҳада шахснинг соғлиғи ва руҳий ҳолатига алоҳида эътибор берилади. Айниқса, шахснинг касаллиги сабабли жиноий, маъмурий ёки бошқа турдаги жавобгарликдан озод қилиниши масаласи мураккаб ва кўп қиррали ҳуқуқий муаммо ҳисобланади. Ушбу мақола мазкур мавзунинг ҳуқуқий асослари, амалий жиҳатлари ва долзарб томонларини ёритишга бағишланади.

Жавобгарликдан озод қилишнинг ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шахснинг касаллиги сабабли жавобгарликдан озод қилинишига оид аниқ нормаларни белгилаб беради. Жиноят кодексининг 18-моддаси 2-қисмида: “Ижтимоий хавfli қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни руҳий ҳолати сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд руҳий ҳолати бошқача тарзда бузилганлиги сабабли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди. Ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин”,- деб кўрсатилган бўлиб, бунда руҳий ҳолати бузилган вақтда жиноят содир этган шахсни даволаш ва жамиятга соғлом шахс сифатида қайтариш чора-тадбирларини кўрилишини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасидан кўзланган мақсад шахсни жазолаш эмас, даволаш эканлиги устивор аҳамият касб этади.

Агар шахс руҳий касаллик ёки бошқа оғир касаллик туфайли ўз хатти-ҳаракатларини идрок қила олмаса ёки уларни бошқара олмаса, у ақлсиз деб топилиши мумкин. Бу ҳолатда у жинойий жавобгарликдан озод қилинади. Бундай вазиятда суд томонидан тиббий экспертиза тайинланиб, шахснинг руҳий ва жисмоний ҳолати аниқланади.

Жиноят кодексининг 67-моддасига мувофиқ, «Агар жиноят содир этган шахсда ҳукм чиқарилгунига қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатнинг бузилиши юзага келган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади. Бундай шахсга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин», - деб кўрсатилган. Қонуннинг ушбу нормаси агарда шахсда жиноятни содир этган вақтда ақли норасо ёки ақли расо шахс бўлганлигини аниқлаб олишни талаб қилади. Бунда, шахснинг ақли норасо ҳолатда жиноят содир этиши жиноят таркибини тўлиқ ташкил этмайди ва шу сабабли шахс жавобгарликдан озод қилиниб, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилади. Аксинча бўлиб, шахс жиноятни содир этганидан сўнг ақли норасо ҳолатга тушиб қолган бўлса, қонунчилик уни дастлаб соғломлаштириб, кейин жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетмаган бўлса жавобгарликка тортиш масаласини қўллаш масаласини кўриб чиқиши лозимлигини назарда тутаяди. Бундай шахсга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.

Ҳозирда, амалиётда шахсни касаллиги сабабли жавобгарликдан озод қилиш бир қатор муаммоларга дуч келиши кузатилмоқда. Биринчидан, тиббий экспертизанинг сифати ва ҳолислиги муҳим аҳамиятга эга. Агар экспертиза нотўғри ёки бир томонлама ўтказилса, бу адолатсиз қарорларга олиб келиши мумкин. Иккинчидан, суд амалиётида касалликнинг оғирлик даражасини баҳолашда бир хил ёндашув йўқлиги кузатилади. Баъзи судлар касалликни жавобгарликдан озод қилиш учун етарли асос деб ҳисобламаса, бошқалари буни асосий омил сифатида қабул қилади. Учинчидан, руҳий касалликларни аниқлаш ва уларнинг жиноятга таъсирини баҳолаш жараёни мураккаб бўлиб, бу соҳада мутахассислар етишмаслиги муаммо сифатида кўзга ташланади. Масалан, Ўзбекистонда психиатрия ва психология соҳасидаги мутахассислар сони камлиги боис, бу экспертиза жараёнларининг узоқ давом этишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда ушбу масаланинг долзарблиги бир неча омиллар билан боғлиқ. Аввало, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги халқаро стандартларга мувофиқлашув зарурати кун тартибда турибди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларига мувофиқ, қонунчиликни янада гуманистик асосда ривожлантиришга интилоқда. Шу нуқтаи назардан, касаллиги сабабли жавобгарликдан озод қилиш нормаларини янада аниқ ва шаффоф қилиш зарур.

Иккинчидан, жамиятда соғлиқ масалаларига нисбатан сезгирлик ошиб бормоқда. Руҳий касалликлар ва уларнинг жинойий хатти-ҳаракатларга таъсири ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш жамиятнинг ушбу масалага муносабатини ўзгартиради. Бу эса суд органларидан ушбу масалаларга янада эътиборли ёндашишни талаб қилади.

Таклиф сифатида, биринчи навбатда, тиббий экспертизаларни ўтказиш учун замонавий технологиялар ва малакали мутахассислардан фойдаланишни кенгайтириш лозим. Иккинчидан, судьялар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учун руҳий касалликлар ва уларнинг ҳуқуқий оқибатлари бўйича махсус ўқув курслари ташкил қилиш фойдали бўлади. Учинчидан, қонунчиликда касалликнинг турли даража ва шаклларига қараб жавобгарликдан озод қилиш ёки жазони енгиллаштиришнинг аниқ меъёрларини ишлаб чиқиш тизимни янада адолатли қилади. Ўзбекистон Республикасида шахсни касаллиги сабабли жавобгарликдан озод қилишнинг ҳуқуқий асослари юқоридагиларга асосан қонунчилик билан тартибга солинган бўлиб, бироқ амалиётда бир қатор муаммолар ва бўшлиқлар мавжудлиги бу соҳада ислохотлар

зарурлигини кўрсатади. Ушбу масала нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий ва гуманитар жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, қонунчиликни такомиллаштириш, амалий механизмларни яхшилаш ва жамиятда бу борада сезгирликни ошириш орқали адолат ва инсонпарварлик принципларига мувофиқ ечимлар топиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикасининг [Конституцияси](#). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон// <https://lex.uz/uz/docs/6445145>.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.04.1995й., <https://lex.uz/docs/111460>.

